

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ (Г.Э.ЛЕССИНГ ВА Э.ВОҲИДОВ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

Алишер Йўлдошевич МАҲМУДОВ

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

мустақил изланувчи

Қарши Давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақола Г.Э.Лиссинг ва Э.Воҳидов ижодида бағрикенглик масалаларига бағишланган.

Таянч сўзлар: толерантлик, муштараклик, “Буюк Ипак Йўли”, Бобил, Сирия, Таврот, Инжил, Қуръони Карим.

СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ТОЛЕРАНТНОСТИ (В ТВОРЧЕСТВЕ Г.Э.ЛЕССИНГА И Э.ВАХИДОВА)

Алишер Йўлдошевич МАҲМУДОВ

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

независимый исследователь

Каршинский Государственный университет

Карши, Узбекистан

Аннотация

Статья посвящена анализу толерантности в творчестве Г.Э.Лессинга и Э.Вахидова.

Ключевые слова: толерантность, общность, «Великий Шёлковый путь», Вавилон, Сирия, Библия, Коран.

Шарқ ва Ғарб халқлари цивилизацияси тараққиётида яҳудий, насроний ва ислом динининг таъсири катта бўлган. Бу таъсир илдизлари (толерантлик тамойиллари) ўрта асрлардан бошланган десак хато бўлмайди.

“Тоқат”, “қаноат”, “бағрикенглик” тушунчалари лотин тилида “толерантлик” маъносини англатган. Аслида бу тушунча ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилинганда чидамлилик, сабрлилик, бардошлилик, тоқатлилик маъноларини беради. Бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашга интилиши толерантликдир. Толерантлик инсоният тарихида ўзга дин ва миллатларга нисбатан бағрикенглик, тотувлик ва самимий муносабатда бўлиш мезони сифатида шаклланиб келди.

Бағрикенглик ва инсонпарварлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Халқларнинг турли динларда бўлишига қарамай эътиқодда яқинлиги Шарқ ва Ғарб маданияти ҳамда фалсафасининг муштараклигини ифода этади.

Немис мутафаккирлари Лейбниц (Gottfried Wilhelm Leibniz, 1646-1716), Лессинг (Gotthold Ephraim Lessing, 1729-1781) ва Хёрдер (Johann Gottfried Herder (1744-1803) шарқ маданияти ҳамда фалсафасига инсонпарвар ва маърифатли таълимот тарзида ёндошиб, илмий жиҳатдан тадқиқ қилганлар. Гётенинг шарқ маданиятига бўлган муносабати ҳам Хёрдер тавсияси орқали ўтган. Шу билан бирга Гётеда шарқона ғурур, диний бағрикенглик, хайрихоҳлик ҳисси уйғонди. Гётенинг «Фауст» асарини илк бора ўзбек тилига тўла таржимасини устоз шоир Эркин Воҳидов яратди.

Драматургияни ғоялар минбари деб санаган немис маърифатпарвар ёзувчиси ва адабий танқидчиси Г.Э.Лессинг “Мисс Сара Сампсон” (“Miss Sara Sampson”, 1755), “Филотас” (“Philotas”, 1959), “Мина фон Барнхельм” (“Minna von Barnhelm”, 1767), “Эмилия Галотти” (“Emilia Galotti”, 1772) ва “Донишманд Натан” (“Nathan der Weise”, 1779) номли драмаларини ёзиб қолдирган.

XVIII аср Европа маърифатчилиги адабиёти вакили, машҳур олмон адиби, драматурги ва адабиётшуноси Г.Э.Лессинг ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов толерантлик тамойилларини ўз асарлари ҳамда немис ва ўзбек адабиётида кенг тарғиб қилдилар.

Лессингнинг “Донишманд Натан” (“Nathan der Weise”, 1779) драмасида Натан образининг толерантлик ҳақидаги тарғиботи катта аҳамиятга эга. У ҳар бир диннинг тенг ҳуқуқли эканлигини эътиборга олган ҳолда, ҳақиқатни тан олиш ғоясини илгари сурган. Натан толерантлик ғоясини драмада жуда ўринли баён қилган. У толерантликни Султон Салоҳиддиннинг уч узуги мисолида тасвирлайди. Ва уни тарғибот қилиш асосида нафақат сабр-тоқатлилик ва бағрикенглик, балки дўстлик, биродарлик тушунчалари ҳам ётади.

Бундан ташқари, драмадаги ҳар учала қаҳрамон яҳудий Натан, мусулмон Султон Салоҳиддин ва насроний шогирд-роҳиблар ҳамжиҳатликка

хам қараб интилади. Ҳамжихатлик деганда нафақат халқлар ва динлар ўртасидаги умумийлик, балки инсонлар ўртасидаги ҳамдўстлик ҳам тушунилади:

Sind

*Wir unser Volk? Was heißt denn Volk?
Sind Christ und Jude eher Christ und Jude,
Als Mensch? Ah! wenn ich einen mehr in Euch
Gefunden hätte, dem es gnügt, ein Mensch
Zu heißen! [6;378]*

Қолаверса, сиз, мен – ҳали халқмасмиз.

Халқ ўзи нима у? Жухуд, насроний –

Аслида ҳар бири инсон эмасми?

О, хурсанд бўлардим мен сизда кўрсам

Инсон эканидан мамнун жўмардни [4;13].

Таниқли ўзбек шоири, жамоат арбоби Эркин Воҳидовнинг «Тонг нафаси» (1961), «Қўшиқларим сенга» (1962), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Нидо» (1964), «Лирика» (1965), «Ёшлик девони» (1969), «Муҳаббат» (1984) каби шеърӣ тўпламларида инсон руҳиятининг нозик ва илғаш мушкул бўлган манзаралари акс этган.

Э.Воҳидов жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозӣй, Мирзо Бедил, Йоҳанг Вольфганг Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди.

Эркин Воҳидов асарларида толерантликка эришишда кишилар ўртасидаги самимият, меҳр-оқибат, ҳамкорлик, ўзаро аҳиллик каби муносабатлар устундир. Бу эса турли миллатларнинг ўзаро аҳил яшаб, бири-бирига самимий муомалада бўлиш демакдир. Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасидан тўрт қаторини келтириш ўринлидир.

Сен на зардуит, сен на буддий,

Сенга на оташ, санам,

Одамийлик дини бирла

Тоза имон, ўзбегим [1;122].

Бу тўртликда шоир миллатларлараро ҳамжиҳатлик (толерантлик) ғоясини, инсонийлик фазилатларини ифодалайди.

Эркин Воҳидов украиналик сиёсатшунос, драматург ва адабий танқидчи Иван Драчга атаб ёзган «Дарддошлик» шеърисида ҳам миллатлараро бағрикенглик ғоясини кўриш мумкин.

Йўқ! Ҳеч ишонмайман! Имон бор! Халқ бор!

Метин иродалик ва олтин бошлик.

Қардошлик сидқи бор мангу устивор,

Бор азалу абад бизнинг дарддошлик.

Русмиз, молдаванмиз – заминимиз бир,

Ҳиндумиз, испанмиз – биттадир ҳаёт.

Киприкда томчидек қалқиб турган ер

Букун сену мендан кутмоқда нажот [1;218].

Г.Э.Лессинг асарида диний бағрикенглик, тотувлик, толерантлик ғоясини Натан сўзлари воситасида беради. Натаннинг қанчалик донолигини синаб кўриш учун, мураккаб, қийин бир саволни беради.

Салоҳиддин

Модомики, чиндан донишманд бўлсанг,

Қайси динни ва қайси қонунни

Ҳаммасидан аъло билурсан? [4;30]

“Донишманд Натан” драмасида Лессинг ёш салбчи рицар характеридаги нуқсонларни, заифликларни ҳам кўрсатади. У фанатик христиан аёли Дайянинг гаплари таъсирида Натанни айблайди ва султон Салоҳиддин билан суҳбат пайтида, Натанни жиноятчи деб таърифлайди:

Роҳиб:

... Яъниким, оддий бир жухуд

Насроний гўдакларни топиб ва зимдан

Уларни ўстирса яҳудий қилиб, –

Айтинг, нима қилмоқ керак?

Салоҳиддин

Насроний! Ўпкангни бос!

Роҳиб:

Нега насроний

Ўпкасин босаркан? Жухуд, мусулмон

Ҳимоя қилган пайт ўзиникини?

Фақат насроний ўз насронийлигин

Ёқлай олмайдимми, ҳаққи йўқми ҳеч? [4;65]

Бунга жавобан, Салоҳиддин “Хушинг йиғ, насроний!” деб, насроний баҳодирини динлараро низо, жанжал чиқармасликка, аввал бўлган воқеани аниқлаб, вазминлик билан ўйлаб кўришга даъват қилади.

Лессинг драмада барча миллатлар келиб чиқишига кўра, бир оилани ташкил этади деган гуманистик ғояни илгари сурди. Султон Салоҳиддин билан Натан ўртасидаги суҳбатда ҳам айнан шу ғоя очилади:

Салоҳиддин:

Нечун, бу камтарлик!

Унга жой йўқ совуқ ақл ёнида.

(Ўрнидан сакраб туради.)

Бас, етар сафсата! Ўтайлик ишига.

Найранг қилма, жухуд! Бўлгин самимий [4;29].

Шогирд-роҳибнинг Натанга билдирган мана бу мулоҳазаларида ҳам динлараро бағрикенглик, толерантлик ғоялари ифодалангани яққол сезилади.

Балки сиз дўстингиз қизчасин ўзга

Бирон насронийга берганингизда

Бундоқ маломатга қолмасмидингиз?

Ахир сиз ўшанда у қизалоққа

Меҳрингиз қўймаган бўлармидингиз?

Зеро гўдак бундай ёида меҳрга зордир...

Гўдакларга, ҳатто ҳайвонларнинг боласига ҳам

*Бу ёшда христиан динидан кўра –
Яқин одамнинг меҳри зарурроқ...
Кейинроқ улгурар агар истаса
Хоҳлаган вақтида христиан бўлмоққа.
Христианликнинг замини ахир
Яхудий динидан келиб чиққан-ку!
Алам қилар менга, эсламайди
Исо-Масиҳнинг ҳам яхудий эканлигини [5;59-60].*

Бу сўзларда Лессингнинг ўз ижтимоий ва эстетик қарашлари акс этган. Чиндан ҳам, Қадимий Аҳд (Таврот) христианларнинг муқаддас китоби Библиянинг асосини ташкил этади. Шу маънода мусулмонлик динида аҳли китобларга, Иброҳим, Муса ва Исо пайғамбарларга ҳурмат билдирилиши ислом диний таълимотида бағрикенглик, толерантликнинг улуғворлигини кўрсатади.

Диний бағрикенглик халқимизга хос очиққўнгиллик ва самимийлик бўлиб, бугунги кунда Европа халқи учун табаррук ва ғоят юксак бўлган фазилат толерантлик ғояси бизнинг азалий эътиқодларимиз сирасига киради. Толерантлик тушунчаси тарихий тараққиётимизда шаклланди ва бунга ота-боболаримиз амал қилиб келишди. Эркин Воҳидов айтганидек, “Амал қилибгина қолмай, яхудий ва насаро динининг набилари, азиз авлиёлари исмини фарзандларига қўйганлар. Исломдан кўп асрлар муқаддам яшаб ўтган Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Мусо, Довуд, Сулаймон, Ильёс, Юнус, Зикриё, Яҳё, Исо каби пайғамбарлар, Лукмон, Узайр, Искандар каби азиз авлиёларнинг исми билан аталган мусулмонлар дунёнинг ҳар ерида бор. Ҳеч ким бу исмларнинг асл эгалари қандай динга эътиқод қилганлари ва қандай миллат вакиллари бўлганларини суруштирмайди. Уларнинг аслида Абраам, Исаак, Иаков, Иосиф, Соломон, Моисей, Иусус бўлганлари билан бировнинг иши йўқ. Шунини биламизки, бу расуллар ҳам Оллоҳнинг элчилари бўлганлар, бу азиз авлиёлар ҳам бизникилар” [3;306].

Сен ҳилол, юлдуз, салиб,

*Таврот, Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки гариб,
Комрон ўзинг, яксон ўзинг.
Ким фаранги, ким ҳабаш,
Ирқ, қон талаш, имон талаш.
Шулми инсондек яшаш,
Армон ўзинг, афгон ўзинг [1;131].*

Ҳар бир миллатнинг она тили миллат мулки ҳисобланиб, ана шу тил орқали миллатлар ўртасида ўзаро муносабат ифодаланади. Бизнинг ҳам шундай бекиёс она тилимиз бор. Она тилимиз миллатимизнинг бош белгиси ҳисобланади.

“Ўзбек тилининг буюк денгизи ана шу уч буюк дарё – туркий, арабий ва форсийдан сув ичиш баробарида эски лотин, хитой, ҳинд, мўғул, рус, Европа тилларидан баҳраманд бўлган” [3;287]. Шоир кўнглидаги ўша дард қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

Нотик деди:

*“Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда”.*
*“Эй воиз, настга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!”*
*Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.
Ким даргазаб,
Ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор:
Данте,
Шиллер
ва Байрон,*

Фирдавсий,

Бальзак,

Тагор.

“Ваъзингни қўй, биродар,

Сен айтганинг бўлмайди”.

Барча деди баробар:

“Она тилим ўлмайди” [1;152].

Бутун дунё Сурия, Бобилун, барбар, деса руслар лотин ёзувини кириллицада ўқиб Сирия, Вавилон, варвар, деб қабул қилганлар ва биз ҳам шундай хато ёзиб, хато ўқидик ва бу хатолик ҳам давом этмоқда [3;264]. Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг тил борасидаги мазкур фикрларини немис маърифатпарвари Г.Э.Лессингнинг қуйидаги парчасида учратамиз:

Даја:

.... Er kömmt von Babylon.

Mit zwanzig hochbeladenen Kamelen,

Und allem, was an edeln Spezereien,

An Steinen und an Stoffen, Indien

Und Persien und Syrien, gar Sina,

Kostbares nur gewähren [6;354]

Дайя:

Бобилдан қайтди у. Турфа ширинлик,

Тог-тоғ матолару дур жавоҳирни

Олиб Хиндистондан, Эрон, Хитойдан.

Йигирмата туя устида юклар,

Келтириши, ҳаммаси ўйнатар кўзни [4;22].

Шу билан бирга юқоридаги парчадан англаб олишимиз мумкинки, бир неча минг йиллар мобайнида Ғарб билан Шарқни ҳудудий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бир-бирига боғлаган “Буюк Ипак Йўли” орқали Шарқдан (Хитойдан) Ғарбга (Византияга) савдо-сотик йўли амалга оширилган. “Буюк

Ипак Йўли” орқали Хитой ўзининг ипак маҳсулотлари билан дунёда ном қозонган, десак муболоға бўлмайди.

Тадқиқотларда келтирилишича, Шарқ билан Ғарбни ўзаро боғлаб турган Буюк Ипак Йўли Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган, бу ҳудудда савдо-сотик йўллари туташган, турли халқлар маданияти билан боғланиб бир-бирини бойитган. Ҳозирги кунда ҳам Ғарбни Шарқ билан боғлайдиган йўллар Марказий Осиёдан, унинг марказида жойлашган Ўзбекистондан ўтади.

Ўзбекистон доврўғини Эркин Воҳидов “Ўзбекистоним” шеърисида куйидагича таърифлайди:

*... Умид қаламида «Қуёш шаҳри»ни
Ҳали ёзмаганди Кампанелла ҳам.
Нажот кўзи билан мағрибга боқиб,
Кўҳна Хоразмдан йўл олган карвон
Ёвмут саҳросида ойлар улоқиб
Масков тупроғига етганда омон.
Ўзбеклар тўқиган шоҳи, гиламга
Боққанда зарифлар ҳайрона бўлиб,
Дўстлик ипак йўли очган карвоним –
Ўзбекистоним.*

*Кўп элларни кездим, кўп юртлар кўрдим,
Бир-биридан гўзал, бир-биридан соз.
Лекин Шарқда машъал чарагон юртим
Оламда тенги йўқ, ўлкадур мумтоз.
Бунда дўстлик куйин айтур ҳар чечак,
Бунда бахтни қилур ҳар булбул наво.
Диллардаги азал башарий тилак –
Буюк биродарлик гулиани аро
Осиёхон деган сулув санамга*

*Олтин сепу атлас сўзона бўлиб
Кулиб турган, ёруз, мунис маконим –
Ўзбекистоним [2;41-42]*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, асрлар давомида тинчлик-тотувлик ва бағрикенглик борасида ташаббус олиб ораётган барча адабиёт ихлосмандлари, театршунослар ва мустақил тадқиқотчилар бугунги кунда насроний, яхудий ва ислом динлари ўртасидаги низоларнинг олдини олиш ҳамда унга барҳам беришда тўла жавобгардирлар. Шу билан бирга Ғарб ва Шарқ ўртасидаги сиёсат ва дин ишлари бўйича ҳаётга адолат ва ҳақиқатни рўёбга чиқаришда масъулият билан қарашлари керак. Ўзбек халқ шоири Эркин Воҳидов Ғарб ва Шарқни қуйидаги парчада шеърини ифода этади:

*Замин отли бир Сайёрани
Икки бўлак қилиб сўйдилар.
Ғарб дедилар битта порани,
Бир порани Шарқ деб қўйдилар.*

*Тақдир яна минг парча этди.
Эл-элатлар ва динлар аро –
Дона-дона сочилиб кетди
Анор каби кесилган дунё... [1;180]*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Куй авжида узилмасин тор. Шеърлар ва дoston. – Тошкент: Фафур Гулом, 1991. – 336 б.
2. Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Ёз ҳарорати. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 416 б.
3. Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Қиш таровати. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 416 б.
4. Лессинг Г.Э. Донишманд Натан. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 288 б.

5. Лессинг Г.Э. Донишманд Натан. /Мирпўлат Мирзо таржимаси. – //Жаҳон адабиёти, 2004/ – №4.

6. Lessing. G.E. Gesammelte Werke. II-Band. Nathan der Weise. Aufbau-Verlag Berlin. 1954